КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 254 (2545). | 27 декабрь, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ УЛКАН ОДИМИ

Ўзбекистон республикаси саноатининг ходимлари КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ялпи маҳсулот ва кўпчилик буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планни ва ўз социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин, 25 декабрда бажардилар.

Оғир саноат, айниқса химия, ёқилғи, машинасозлик тармоқлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланди.

Минерал ўғитлар, сунъий ва синтетик тола, пўлат ишлаб чиқариш, газ чиқариш, ҳар хил нефть маҳсулотлари, электр двигателлари, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқариш, шунингдек халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларнинг кўпгина бошқа турларини ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари муваффақиятли ривожланди. Халқ истеъмоли товарларининг кўпгина турларини: ип газлама, ички ва устки трикотаж, пойпоқ, гўшт, консерва ва бошқа бир қанча товарлар ишлаб чиқариш, шунингдек балиқ овлаш йиллик плани ошириб бажарилди.

Ички охиригача пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Кўпгина корхоналар, шу жумладан Чирчиқ электрохимия комбинати, Самарқанд суперфосфат заводи, Бекобод металлургия заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси, Қўқон пойпақ-ип йигирув комбинати, Наманган гўшт комбинати, Ленинск ёв-экстракция заводи ва бошқа корхоналар ҳозирдаёқ етти йиллликнинг олтинчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида аммиак ишлаб чиқариш бўйича йирик қувватлар, Фарғонадаги азот ўғитлари заводида аммиак селитраси ва заиф азот кислотаси ишлаб чиқарадиган цехлар, Қўқон суперфосфат заводида донадор суперфосфат ишлаб чиқариш бўйича қувватлар, Олтинтопкан қўрғошин-рух комбинатида олтингугурт кислотаси цехлари ва Самарқанд суперфосфат заводида қўшимча қувватлар 1963 йилда муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

1963 йилда саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди ва саноат буюмларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхоналарда технология процессларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан тадбирлар амалга оширилди.

Республика саноатида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, модернизация қилиш, шунингдек янги юксак унумли ускуналарни ва илғор технологияни ўзлаштириш юзасидан ишлар қилинди.

Кўп минглаб рационализаторлик таклифлари ва ихтироларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги техниканн тараққий эттиришга, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва саноат маҳсулоти таннархини камайтириш планлари ошириб бажарилди.

Саноат ходимлари етти йиллликнинг олтинчи йилида ишлаб чиқаришни кенгайтиришда янги муваффақиятларга эришиш ва бу билан етти йиллик планнинг муддатидан олдин бажарилишини таъминлаш учун ўз кучларини сафарбар этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 декабрда Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг X пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ишида область партия комитетларининг биринчи, иккинчи секретарлари ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари партия-давлат контроли комитетларининг раислари, область партия комитетлари саноат ва қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, шаҳар партия комитетлари, шаҳарлардаги район партия комитетлари ва саноат-ишлаб чиқариш партия комитетларининг биринчи секретарлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг секретарлари, шаҳар партия комитетлари саноат бўлимларининг мудирлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советлари ижроия комитетларининг раислари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, область касаба союзлари советларининг раислари, «Узсельхозтехника» область бирлашмаларининг раислари, химия ва енгил саноат баъзи корхоналарининг директорлари, бош инженерлари, конструкторлик бюроларининг бошлиқлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, химия ва нефть саноати илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари, химия, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларида ишлаётган олимлар, область қурилиш трестларининг бошқарувчилари ва бош инженерлари, қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, баъзи совхозларнинг директорлари ва баъзи колхозларнинг раислари, химия ва енгил саноат, химия машинасозлиги корхоналари ва қурилишларининг ҳамда қишлоқ хўжалигининг илғорлари, Ўрта Осиё ва республика ташкилотларининг ходимлари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибига қуйидаги масала қўйилади: «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти бўлган химия саноатини жадал ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари».

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** доклад қилди.

Ш. Р. Рашидов доклади юзасидан музокараларда Андижон қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари **А. Ҳайдаров**, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **С. И. Кадишев**, Фарғона саноат область партия комитетининг биринчи секретари **С. Р. Расулов**, Тошкент давлат университетининг ректори **О. С. Содиқов**, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ш. Шамсиддинов**, Навоий химия комбинатининг директори **С. Б. Корко**, Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари **П. В. Каймаков**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг директори **Е. Ю. Алиев**, Тошкент область Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош агрономи **В. П. Бакулин**, Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори **В. Қодиров**, Фарғона азотли ўғитлар заводидаги 3-цех смена бошлиғи **Н. Г. Еришева**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **У. Орифов**, «Чирчикхиммаш» заводи партия комитетининг секретари **П. Н. Золотарев**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Абдуллаева**, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг биринчи ўринбосари **С. Н. Усмонов** сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масала юзасидан якдиллик билан қарор қабул қилди.

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашиб, ялпи маҳсулот ва маҳсулотларнинг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан илгари — 24 декабрда тўла бажарди.

Область химия корхоналарининг ходимлари катта ғалабани қўлга киритдилар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаган химикларимиз йиллик планни 21 декабрда бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Шу йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида пландагига қўшимча минглаб тонна пўлат ва прокат, 73 минг тонна кўмир, 582 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари, 60 та пахта териш машинаси, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мингта прицеп, 462 та холодильник, 7 мингтадан ортиқ газ плиталари, 399 тонна қоғоз, 23 минг кубометрдан ортиқ йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, 543 минг квадрат метр юмшоқ ёпилғи, 2 миллион 300 минг квадрат метр ип газлама, 368 минг дона устки ва ички трикотаж кийимлари, 176 минг жуфт чарм пойафзал, 11 661 тонна нон ва нон маҳсулотлари, 483 тонна кондитер ва 431 тонна макарон маҳсулотлари ва жуда кўп бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

11 ой мобайнида капитал маблағ сарфлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан, 27,8 миллион сўмлик ёки 12 процент кўпайди.

Область корхоналарида ишлаб чиқариш тинмай такомиллаштирилмоқда, унумли ишлайдиган янги техника ва прогрессив технология жорий қилинмоқда, янги машина ва аппаратлар яратиш ва тайёрлашни ўзлаштириш бўйича катта ишлар қилинди. Бу йил 70 дан ортиқ автоматлашган, механизациялашган поток линиялари ва конвейерлар, 72 та агрегат ва махсус станоклар ишга туширилди.

Область саноат корхоналарида янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар 11 ой мобайнида меҳнат унумдорлигини пландагига қараганда икки процент ошириш имконини берди.

Шу йилнинг 11 ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28.9 минг квадрат метр кўп уй-жой майдони қурилди.

Темирйўл, автомобиль, ҳаво транспортлари ва алоқа ходимлари коллективлари ҳам социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар.

ЎРТА ОСИЁ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

СССР Марказий статистика бошқармасининг Ўрта Осиё Статистика бошқармаси қуйидаги хушхабарни билдирди: Ўрта Осиё иқтисодий районининг саноат ходимлари КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1962 йил ноябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик энг муҳим турлари бўйича йиллик планни муддатидан олдин 1963 йил 26 декабрда бажардилар.

ХИМИЯ—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар!

9 декабрдан 13 декабргача КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Партия билан бутун совет халқининг қаётида, ғоят катта воқеа бўлган бу Пленум коммунистик қурилишнинг қаҳрамонона йилномасига ўчмас саҳифа бўлиб киради. Пленум «Химия саноатини жадал ривожлантириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти» тўғрисидаги чинакам тарихий аҳамиятга эга бўлган масалани атрофлича муҳокама қилди.

Туб иқтисодий проблемалардан бири — катта химияни янада ривожлантириш масалаларидан бири Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилинганлиги партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини ва КПСС Программасини изчил ва оғишмай, конкрет ва муайян мақсадни кўзлаб, амалга ошираётганликларидан қайта-қайта далолат бериб турибди.

Руҳи, ишлари ва интилишлари новаторликдан иборат бўлган партиямиз планлаштиришни ва халқ хўжалигига раҳбарликни муттасил такомиллаштирмоқда, ички ва халқаро миқёсдаги конкрет шароитни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив ва истиқболли тармоқларини устун даражада ривожлантириш ҳақида КПСС XXII съезди ишлаб чиққан йўлни оғишмай ўтказиб келмоқда. Партия мамлакатнинг моддий ресурсларини ва халқнинг маънавий кучларини энг асосий иқтисодий вазифани ҳал қилишга — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга ленинча донишмандлик билан сафарбар этмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг чуқур асослаб берилган, улуғ Ленин ғояларининг нури билан сугорилган сермазмун ёрқин докладида ва якунловчи нутқида, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларида социалистик экономиканинг бениҳоя истиқболли тармоғи бўлган химия саноатининг роли яққол кўрсатиб берилди.

Химия — беҳисоб бойликларнинг битмас-туганмас хазинасидир. Химия — ерларимизни ҳосилдор, хирмонларимизни баракали, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сероб қилади. Химия — саноат ва қурилишга арзон ва ғоят чидамли материаллар етказиб беради. Химия — кийим-кечак ва пойафзални, халқ истеъмол қиладиган нафис ва пишиқ товарларни мўл-кўл қилади. Химия — техникани тараққий эттиради ва меҳнат унумдорлигини оширади. Сарфланадиган маблағларнинг ўрнини қоплаб беришда химиянинг олдига тушадиган тармоқ йўқ. Ҳозирги пайтда киши фаолиятининг химия аралашмаган соҳаси, халқ хўжалигининг химия билан маълум даражада боғланмаган тармоғи қолмади.

Химиянинг буюк истиқболини марксизм-ленинизм классиклари ҳам олдиндан кўрган эдилар. Карл Маркс инсонят химияни саноатга, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш методларини эгаллаб олган сайин, механик усулда ишлаш химиявий усулда таъсир кўрсатишга ўз ўрнини тобора кўпроқ бўшатиб бераверади, деган эди.

В. И. Ленин химиянинг ролига юксак баҳо берган эди. Революциядан кейиноқ тез орада унинг ташаббуси билан Олий Халқ хўжалиги кенгашида махсус химия саноати бўлими ташкил қилинган эди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумдаги докладида В. И. Ленининг ҳикматли сўзларини эслатиб, бундай деди: «Агарда Владимир Ильич Ленин ҳозир тирик бўлганида, эҳтимол, таҳминан шундай деган бўлур эди: Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштириш ҳамда халқ хўжалигини химиялаштиришдир». Пленум қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу сўзларини якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Химия — барча буюк ишларимизнинг содиқ кўмакдоши, келажакдаги бундан ҳам улуғвор ишларимизнинг дадил разведкачисидир. Химия — Советлар Ватанини кишилик бахт-саодатининг чўққиларига зафарли парвоз қилдирадиган коммунизмнинг қудратли қанотларидир.

Мана шунинг учун ҳам КПСС ленинчи Марказий Комитети химия индустриясини жадал ривожлантиришни энг муҳим иқтисодий проблема деб билмоқда, катта химияни барпо этиш вазифасини коммунистик қурилишнинг олдинги маррасига чиқариб қўймоқда ва бу вазифани ҳал қилиш бутун партиянинг, бутун совет халқининг иши бўлиб қолмоғи керак, деб ҳисобламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май (1958 йил) Пленумидан кейин мамлакатимизда химия саноати кенг ривож топди. Ана шу давр ичида 35 та янги завод ва 250 дан ортиқ йирик химия корхонаси ишга туширилди. Беш йил ичида химия саноатига 5,3 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди, бу — Совет ҳокимияти барпо қилинган вақтдан бошлаб май Пленумига қадар ўтган 40 йил ичида химия саноатига сарфланган ҳамма маблағлардан қарийб бир ярим баравар кўпдир. Шуниси характерлики, етти йиллик бошлангандан кейин қурилган завод ва цехлар ҳозир химия саноатидаги асосий фондларнинг учдан икки қисмини ташкил қилади.

Химия индустриясига сарфланган капитал маблағларнинг ўртача йиллик ўсиши беш йилда 27 процентга етди, ваҳоланки бу ўсиш умуман халқ хўжалигида 9,6 процент бўлди. Бизда биринчи тармоқ бундай суръатлар билан ривожлантирилгани йўқ. Шуларнинг ҳаммаси ўтган беш йилда химия саноати ишлаб чиқаришини 89 процент кенгайтириш имконини берди, ваҳоланки, бутун саноат маҳсулоти 58 процент кўпайтирилди.

Химия саноатини ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар совет кишиларини қувонтирмоқда. Лекин, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қайд қилиб ўтганидек, химия саноатини ривожлантиришни ҳозирги даражаси халқ хўжалигининг ҳамма эҳтиёжларини ҳали қондираётгани ва мамлакатимиз ихтиёрида бўлган бой имкониятларга тўлиқ мос бўлаётгани йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми эҳтиёжларга асосланиб ва мавжуд имкониятларни реал ҳисобга олиб, яқин етти йил ичида химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини 3—3,3 баравар кўпайтириш вазифасини белгилади. Айни маҳалда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 17—19 процентга етказилади. 1964 — 1970 йиллар мобайнида 200 та янги химия корхонаси қурилади ва ишлаб турган 500 дан ортиқ корхона реконструкция қилинади. Химия саноатини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалигини комплекс химиялаштиришга ҳаммаси бўлиб 42 миллиард сўмдан кўп капитал маблағ сарфланади.

Пленум қарорлари СССР Олий Советининг учинчи сессияси тасдиқлаган 1964 — 1965 йилларидаги халқ хўжалиги планларида ўз ифодасини топди. Планда кўзда тутилган тадбирлар ва Давлат бюджетидан ажратилган асосий маблағлар аввало химия саноатининг, айниқса минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш химиявий воситалари, пластмассалар, химиявий толалар, синтетик каучук, озиқ-овқат ҳом ашёси ўрнига ишлатиладиган материаллар ишлаб чиқаришнинг устун даражада бўлишини таъминлашга, деҳқончилик билан чорвачиликни кескин юксалтиришга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва маишатини яхшилашга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми химия саноатини жадал ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш билан совет халқининг коммунизм қуриш учун буюк курашида янги босқични бошлаб берди.

Катта химияни барпо этишнинг Пленум тузиб берган улуғвор программаси жаҳонни қойил қолдирмоқда, чунки бутун жаҳон практикасида бунга ўхшаш программа ҳали тузилган эмас эди. Планли социалистик хўжаликгина шундай суръатлар билан ривожланишга қодирдир. Бинобарин, партиямиз белгилаган ҳамма буюк планлар сингари, бу программанинг муваффақиятли бажарилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳам ижодий активлигини ошириб юборди.

Шонли ишчилар синфимиз Пленум қарорларига муносиб жавоб берди. Шу кунларда республика ишчилар синфи Ватанни катта меҳнат ғалабаси билан қувонтирди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг кўп қиррали ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли, завод ва фабрикалар ишчилари, инженер-техник ходимларининг қаҳрамонона меҳнати натижасида республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўпгина муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан олдин, 25 декабрда бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми номидан республика саноати ходимларини қўлга киритилган меҳнат ғалабаси билан табриклашга ва етти йилликнинг олтинчи йилида ҳам улар совет халқи манфаатлари йўлида Ватанимизни янги шонли ишлари билан, янги ажойиб ғалабалар билан қувонтирадилар деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

ХИМИЯ—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИНТЕНСИВЛАШ АСОСИ

Ўртоқлар! Химия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда жуда катта, бебаҳо роль ўйнайди. Химиянинг қудратли кучини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари айниқса яхши билиб олдилар. Химия деҳқонларимизга садоқат билан хизмат қилмоқда, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда доимо уларга йўлдош бўлмоқда.

Бу йил республика қишлоқ хўжалиги 2 миллион тоннадан кўпроқ, ёки ҳайдаладиган сувли ерларнинг ҳар гектари ҳисобига 859 килограмм, ҳар гектар пахтазор ҳисобига эса 1.079 килограмм минерал ўғит олди. Химиявий дориворлар ишлаб чиқарувчи саноат кенг ривожлантирилаётганлиги туфайли пахтачилик ўсимликларни хашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг ҳар хил химиявий воситаларини йил сайин тобора кўп миқдорда олмоқда.

Бу йил пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги катта-катта ютуқларга кўп жиҳатдан комплекс механизация кенг жорий қилинганлиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши химиялаштирилаётганлиги туфайли эришилди. Машиналар ва минерал ўғитлар билан пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва юксак маҳорати шу йил кўклламидаги ноқулай об-ҳаво шароитлари ва ёздаги сув танқислиги туғдирган каттагина қийинчиликларни муваффақият билан енгиб, колхоз ва совхозларимизнинг мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштиришларига ва ажойиб ғалабани қўлга киритишларига ёрдам берди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бу йил Ватанга пахтачиликнинг бутун тарихида энг кўп — 3 миллион 682 минг тонна «оқ олтин» бердилар.

Республикадаги деярли ҳамма областларнинг пахтакорлари ажойиб натижаларга эришдилар. Лекин хоразмлик мўл ҳосил усталарининг шонли ғалабасини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Улар улкан пахта ҳирмони учун курашда юксак маҳорат ва шавкатли меҳнат намунасини, фан ва техника муваффақиятларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш намунасини кўрсатдилар. Қадимий, лекин абадий навқирон Хоразм пахтакорлари ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 31 центнер пахта етиштирдилар ва йиғиб-териб олдилар. Умуман область учун бу — рекорд ҳосилдир.

Хоразм области пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришганлиги учун Ленин ордени билан тақдирланди.

Ўртоқлар, Хоразм меҳнаткашларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан ҳукуматнинг олий мукофоти билан қизғин табриклашимга рухсат бергайсиз.

Энг йирик пахтакор область бўлган Андижон меҳнаткашлари меҳнатда буюк ғалабага эришдилар. Улар ҳар гектардан 26,7 центнер пахта териб олиб, мамлакатга 818 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ XVI КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИ ҲАҚИДА

Шаҳар партия комитетининг XVI конференцияси шу йил 28 декабрь куни соат 4 да Алишер Навоий номли театр биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ.

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Катта-катта қийинчиликларни фидокорона меҳнат билан енгиб, ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этган Сурхондарё, Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд областларининг пахтакорлари Ватанни шонли ишлар билан хурсанд қилдилар.

Илғор областларимизнинг қаҳрамон меҳнаткашларига шон-шарафлар ва офаринлар бўлсин!

Ғаллакорларимиз, пиллачиларимиз, лубкорларимиз, сабзавотчиларимиз, қоракўлчиларимиз, тамакикорларимиз, паррандабоқарларимиз ва боғбонларимиз катта ютуқларга эришдилар. Улар ҳам олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчев Ўзбекистон пахтакорлари ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муваффақиятларига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатда ғоят катта ғалабага эришганликлари ҳақида Никита Сергеевич Кремлдаги Съездлар саройининг юксак минбарида туриб, бениҳоя самимият билан, зўр мамнуният туйғуси билан айтган гапларни биз, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчилари айниқса хурсандчилик билан эшитдик.

Республикамиз давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети йўллаган табрикномада қанчадан-қанча самимият, нақадар чуқур мазмун бор! Табрикномада бундай дейилади: «СССР халқларининг қардошлик оиласида Ўзбекистон коммунизм қурилишининг улуғвор планларини амалга ошириш учун курашда яхши намуна кўрсатди».

Меҳнатимизга берилган бу юксак баҳо республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг юрагида чуқур шодлик ва ҳаққоний ифтихор туйғуларини уйғотди. Шу билан бирга бу юксак баҳо бизнинг зиммамизга кўпгина вазифалар юклямоқда, коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини бажариш учун ҳам муносиб намуна кўрсата берингиз, деб янги зафарларга чорламоқда.

Биз, ўртоқлар, эришилган ютуқлар билан кифоялана олмаймиз ва кифояланишга ҳақимиз ҳам йўқ. Бизнинг сафларимизда бегамлик ва хотиржамликка ўрин бўлмаслиги керак. Бизнинг бурчимиз — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб тағин ҳам кўпайтириш, янги, бундан ҳам юксак марралар сари янада шаҳдам қадам ташлаб, олга бораверишдир.

Республика олдида пахта, дон ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. 1970 йилда Ўзбекистон мамлакатга 4,3-4,6 миллион тонна, 1980 йилда эса камида 7 миллион тонна «оқ олтин» бериши керак. Республикада дон етиштиришни анча кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Доннинг ялпи ҳосили бу йилги 55 миллион пуд ўрнига келгуси йилдаёқ 115 миллион пудга, 1965 йилда 160 миллион пудга ва 1970 йилда 400 миллион пудга етказилади. Сабзавот, картошка, каноп, мева, узум, тамаки, ғўшт, сут, жун, пилла, қоракўл тери, тухум етиштириш ҳажми йилдан-йилга тобора кўпайтирила беради.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг юксак маҳорат билан зўр бериб ишлашларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада такомиллаштиришларини талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини бутун чоралар билан ошириш — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг туб масаласидир, деб ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумидаги докладида алоҳида таъкидлаб ғапирди. Интенсивлаш — қишлоқ хўжалигидаги ҳамма тармоқларни кескин юксалтиришнинг асосий йўлидир.

Бу нарса Ўзбекистон шароитида уч асосий омилни: суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштириш ва химиялаштиришни моҳирлик билан бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш керак, деган маънони билдиради.

Сўнгги йилларда республикамизда сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Бизда бир қанча йирик сув омборлари, каналлар, коллекторлар, гидроузеллар барпо қилинди, суғориш шохобчаси такомиллаштирилди, минглаб гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди. Бундан буён биз сув хўжалиги қурилишини янада кенг кўламда ривожлантирамиз, донадор суғориладиган ерларни кенгайтирамиз ва шу йўл билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини кенгайтирамиз.

Бироқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва химиялаштириш, минерал ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан кенг фойдаланиш — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва, аввало, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий манбаи, муттасил мўл ҳосил олиш учун курашнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Механизация билан химиялаштириш бир-бирини тўлдиради, улар ҳамиша ёнма-ён бормоғи керак.

«Ҳозирги вақтда — дейди Н. С. Хрушчев, — партия ва ҳукумат, бутун халқ қишлоқ хўжалиги соҳасида химия билан механизация тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоғи керак. Қишлоқ хўжалиги химияси билан механизацияни ривожлантириш — КПСС Программасини, партия XXII съезди қишлоқ хўжалиги олдига қўйган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун кураш демакдир».

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз эндиликда минерал ўғитларни тобора кўп миқдорда ола беради. Бу нарса ғўзагагина эмас, балки барча қишлоқ хўжалик экинларига ҳам солинадиган ўғит нормаларини ошириш имкониятини туғдиради. Шундай шароитда колхоз ва совхозларга берилаётган минерал ўғитларнинг ҳар бир килограммидан ўринли фойдаланиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот муассасалари, жумладан СоюзНИХИ минерал ўғитлардан фойдаланиш самараларини ўрганиш соҳасида маълум ишлар қилишди. Бир центнер соф азот пахтага 8-10 центнер, буғдойга 15-20 центнер ҳосил қўшиши аниқланди. Тупроққа солинган бир тонна минерал ўғит сабзавот ҳосилига 40-50 тонна, картошкага 30-40 тонна, мевали дарахтларга 30 тонна ва узумга 45 тонна ҳосил қўшади.

Эскидан ҳайдалиб келинаётган ва шўр босмаган ерлардаги ғўзага солинган калий ўғитлар катта самара бермоқда. Калий ўғитлар вилт касалига учраган ғўзаларга айниқса яхши ёрдам бермоқда. Масалан, союзНИХИнинг тажриба участкасида калий ўғитлар солиш натижасида вилт касалига учраган ўсимликлар сони 40 процент камайди.

Минерал ўғитларнинг ғоят катта аҳамияти бу йил табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш вақтида айниқса яққол билинди. Очиқ айтиш мумкинки, ғўзалари табиатнинг офатли кучларидан айниқса қаттиқ зарарланган кўпгина хўжаликлар, хусусан Хоразм, Самарқанд областлари ва Фарғона областидаги Поп ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликлари ўғит билан мўл-кўл таъмин этилмаганида пахтадан мўл ҳосил етиштира олмаган ва пахта тайёрлаш планини бажара олмаган бўлур эди. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати, агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилинганлиги, машиналар, минерал ва маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланилганлиги туфайлигина колхоз ва совхозлар ана шундай катта ғалабага эришдилар.

КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукумати қийинчиликларга қарши курашда бизга бениҳоя катта ёрдам бердилар. Республикага юз минглаб тонна қўшимча азотли ва фосфорли ўғитлар ажратилди, бу ўғитлар табиий офатлардан зарарланган майдонлардаги ғўзаларни қондириб озиқлантириш учун юборилди.

Деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтарган, агротехника талабларига қаттиқ риоя қилаётган ва пахта етиштиришнинг илғор усулларини кенг қўллаётган колхоз ва совхозларда минерал ўғитлар энг кўп самара бермоқда.

Илғор хўжаликларимиздан бири — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Республиканинг шимолий қисмига жойлашган бу совхоз ҳар йили тўрт минг гектардан кўпроқ майдоннинг ҳар гектаридан 30-32 центнер пахта олиб келмоқда. Бу совхозда бир тонна пахта етиштиришга 50 килограммга яқин соф азот сарфланмоқда.

Ана шу совхозда иш қандай ташкил қилинган?

Бу жойда пахта ҳосилининг 75 процентдан кўпи машиналарда терилади, пахта тайёрлаш плани октябрь ойининг биринчи ярмида бажарилиб, бутун ҳосил ноябрь ойининг бошларида батамом йиғиштирилиб олинади. Бу эса кузги шудгорни барвақт ўтказиб, айни маҳалда ерга талаб қилинган миқдорда суперфосфат солиш имкониятини яратмоқда. Шу тариқа келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиб қўйилмоқда.

Баҳорда ернинг об-тобига қараб, совхозда ерга чизел, дискали борона солинади, культивация ўтказилади, бегона ўтларнинг илдизи, албатта, йиғиштириб олинади, экиш олдидан ҳар қайси пайкалдаги тупроқнинг аъло сифатли юмшатилишига эришилади. Бу йил совхозда 98 процент ерга чигит квадрат уялаб, шу жумладан 2400 гектар ерга аниқ миқдорда чигит ташловчи сеялкалар билан экилди.

Совхоз раҳбарлари бутун бир йилга мўлжаллаб, ҳар қайси бригадага минерал ўғитлардан фойдаланиш планини тузиб берадилар, бунда тупроқ—агротехника карталаридан фойдаланадилар. Вегетация даврида улар ғўзаларни 2-3 марта азотли ўғитлар билан озиқлантирадилар. Ғўзанинг неча марта озиқлантирилиши ва қанча ўғит солиниши ернинг ҳосилдорлигига, пахтадан аввал қандай экинлар экилганига ва планда кўрсатилган ҳосилга қараб белгиланади. Ғўзаларнинг ўсиб-ривожланишини назарда тутиб, ҳар галги озиқлантириш арафасида ўғит солиш нормасига тузатиш киритилади. Ёзда ғўза парвариши ўз вақтида ва сифатли ўтказиб борилади.

Пахта етиштиришнинг ана шу содда, лекин мажбурий системасини амалга ошириш, прогрессив агротехника усулларини қўлланиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш натижасида совхоз муттасил мўл ҳосил етиштириш, энг арзон пахта олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу йил совхозда бир центнер пахта етиштиришга атиги 18 одам-соат сарфланди, пахта таннархи эса 17 сўм 70 тийин бўлди.

Бундай илғор хўжаликлар бизда оз эмас. «Совой» совхози, Тошкент областидаги «Политотдел», Хоразм областидаги Киров номли, Сурхондарё областидаги генерал Раҳимов номли, Фарғона областидаги Ленин номли, Самарқанд областидаги «Чимбойобод», Киров номли, Бухоро областидаги «Коммунизм» ва Свердлов номли, Сирдарё областидаги «Партия XXII съезди» ва «Заря коммунизма», Қорақалпоғистон АССРдаги М. Горький номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар шулар жумласидандир.

Умуман бошқарма бўйича минерал ўғитлардан фойдаланишда юксак самараларга эришган бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларининг номларини айтиб ўтиш мумкин. Масалан, Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар 25 минг гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 30,4 центнер пахта олишди. Бу бошқармада ҳар гектар пахтазорга 173 килограмм азот солиниб, бир тонна пахта етиштиришга атиги 56 килограмм соф азот ишлатилди.

Денов, Оққўрғон, Учқўрғон, Избоскан, Булунғур, Янгиариқ, Вобкент, Шўрчи, Ғиждувон, Яккабоғ, Шовот ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларнинг аксариятида ҳам минерал ўғитлардан самарали фойдаланилиб, тегишли нормада фосфорли, калий ва маҳаллий ўғитлар солингани ҳолда бир тонна пахта етиштиришга сарфланаётган соф азот 55-62 килограммдан ошмаяпти.

307 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,7 центнер пахта териб олган Андижон областининг умумий кўрсаткичлари диққатга сазовордир. Ана шу ҳосилни олиш учун бир гектар ерга ўрта ҳисобда 166 килограмм соф азот солинди. Бинобарин, бир тонна пахта етиштиришга 64 килограмм соф азот ишлатилди. Бу — илмий тадқиқот муассасаларининг тавсияларига мувофиқ келадиган яхши натижа.

Минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш қолоқ хўжаликларни кўтаришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ўтган йил республикада 238 та қолоқ колхоз бор эди. Шулардан 18 хўжалик ҳосилдорликни бир йилнинг ўзида 10 центнер, 106 хўжалик эса 5-10 центнер оширди. Ҳозир республикада 421 колхоз ва 20 совхоз 25 центнер чегарасидан ошиб кетди. Бунда ҳам минерал ўғитлар уларга катта ёрдам берди.

Ўғитлардан тўғри фойдаланиш терим ишларини механизациялаштиришни авж олдириша ҳам таъсир кўрсатди. Машина теримига ажратилган пайкалларга ўғитлар энг яхши агротехника муддатларида солинди, азот билан фосфорнинг нисбатига қаттиқ риоя қилинди, азотли ўғитларни вақтидан ўтказиб солишга йўл қўйилмади. Буларнинг ҳаммаси ва бошқа агротехника усуллари ғўзаларни машина терими учун яхши мослашган, мўл ҳосил тўпланган ва кўсаклари барвақт очиладиган қилиб ўстиришга имкон берди. Ана шу пайкалларда кўсаклар қийғос очилганлиги натижасида пахта териш техникасидан ғоят унумли фойдаланилиб, ўтган йилдагидан икки баравар кўп пахтани машиналарда териш имконияти туғилди.

Шу билан бирга минерал ўғитлардан фойдаланишда республикада жиддий камчиликлар борлигини бугун пленумда тамомила кескин гапириб ўтмоқ керак. Бизда ўғитлардан ёмон фойдаланаётган, ўғитларни омилкорлик билан ишлатишни билмайдиган ва ўрганмаётган колхоз, совхоз, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳали ўз эмас. Баъзан ўғитларга бепарволик билан қараш ва очиқдан-очиқ исроф қилиш ҳоллари учраб туради.

Баъзи хўжаликларда минерал ўғитлардан фойдаланиш самараси ниҳоятда паст. Масалан, Янгийўл ва Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаларида бир тонна пахта олишга 75 килограммгача соф азот ишлатилган. Бу бошқармалар ўғитни кўп сарфлаганлари билан паст ҳосил олдилар, натижада ҳатто пахта тайёрлаш планини ҳам бажармадилар.

Бухоро областининг баъзи хўжаликларида минерал ўғитлардан фойдаланиш самараси ниҳоятда паст даражада. Навоий ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида ҳар гектар ерга 166 килограмм азот, 78 килограмм фосфор солингани ҳолда, гектар бошига атиги 17,7 центнер пахта олинди. Бу колхозда бир тонна пахта етиштиришга 94 килограмм азот сарфланди, ваҳолонки солинган шунча ўғит билан колхозда кам деганда 27 центнердан ҳосил етиштириш мумкин эди.

Минерал ўғитлар солинса ҳам кам ҳосил олинаётганлигининг сабаби фақат битта, у ҳам бўлса — айрим хўжаликларнинг раҳбарлари пахтадан мўл ҳосил олиш ҳақидаги бутун умидларини фақат ўғитга боғлаб, илғор агротехника усулларини ишлаб чиқаришга жиддий қайғирмайдилар. Улар ерларни шудгорлашни кўздан баҳорга кўчириб қўядилар, ерларнинг шўрини ювиш билан дуруст шуғулланмайдилар, пайкалларни чигит экишга палапартиш тайёрлайдилар, ғўза парваришида агротехниканинг паст бўлишига ва бошқа хатоларга бефарқ қарайдилар, ҳамма ишларнинг юқори сифатли бажарилиши учун курашмайдилар.

Шу ҳақиқатни узил-кесил англаб олишимиз керакки, ўртоқлар, агротехниканинг ҳамма усуллари тўғри татбиқ этилган, комплекс механизация жорий қилинган тақдирдагина ўғитлардан фойда келиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида, бизнинг тупроқ иқлим шароитимизда минерал ўғитлардан фойдаланиш дон экинлари ҳосилдорлигини оширишда яхши самара беради. Республика илмий муассасаларининг маълумотларидан кўринишича, суғориладиган ерларнинг ҳар гектарига 45 килограмм азот ва 90 килограмм фосфор солиса буғдой ва арпа ҳосилига 8 центнердан тортиб 15 центнергача ҳосил қўшилади.

Маккажўхори билан шоли ўғитни жуда ёқтиради.

Люба Ли оригадасида ҳар гектар маккажўхори экинига 100 килограмм азот, 106 килограмм фосфор ва 15 тонна чириган гўнг солинган эди. Бунинг қатижасида ҳар гектардан 65,6 центнер маккажўхори дони олинди. Бригада ҳар гектар маккажўхори экинига солган азотли-фосфорли ўғитнинг қиммати 39 сўмдан сал ошиқ бўлди, лекин ана шу ўғитни солиш натижасида олинган қўшимча маҳсулотнинг қиммати қариб 207 сўм бўлди. Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида минерал ўғитлардан омилкорлик билан фойдаланиш туфайли гектар бошига 70-73 центнер шоли олиб келинмоқда.

Минерал ўғитлардан ғоят самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибани ҳамма хўжаликларга ёйиш керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги билан республика Госплани дон экинларига ўғит солишни планлаштиришга кўпроқ эътибор беришлари лозим. Биринчи галда, энг кўп самарага эришаётган хўжаликларга ва энг кўп ҳосил бераётган экинлар учун талаб қилинган миқдорда ўғит ажратиш зарур.

Сабзавот, полиз, картошка экинлари, боғ ва токзорлар ҳам интенсив деҳқончилик жумласига киради. Улар тупроқдан кўп миқдорда озуқа элементларини сўриб олади. Масалан, карам бир гектар ердан 120-200 килограмм азот, 45-80 килограмм фосфор, 150-225 килограмм калий олади. Бу эса ҳар йили ерга ўғит солиб туриш заруратини туғдиради. Минерал ўғитлар органик ўғитларга ва марганец, бўр, молибден, мис, рух, кобальт, йод ва шу каби бошқа микроэлементларга қўшиб солинса энг кўп самарага эришилади.

Химия саноати янада ривожлантирилаётганлиги, минерал ўғитлар ва нур ўтказувчи синтетик плёнкалар ишлаб чиқариш кўпайтирилаётганлиги кўп миқдорда арзон ва эртанги сабзавот етиштириш учун жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Нур ўтказувчан плёнка билан қопланган, ичи иситилиб турадиган майдонларда редиска-бодринг-помидор-пиёзни навбатма-навбат экиб бир йилда учтўрт марта ҳосил олиш мумкин. Бунда усти ёпиқ майдоннинг ҳар квадрат метридан олинадиган маҳсулотнинг умумий ҳажми 12-15 килограмм бўлади. Демак, химия муваффақиятларидан сабзавотчиликда кенг фойдаланмоқ керак.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш тобора кенг ривож топаётган ҳозирги вақтда агрохимия хизматини ташкил этиш масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Ваҳолонки, бизда мавжуд бўлган агрохимия хизмати лабораториялари малакали кадрлар билан мустаҳкамланмаган, яхши жиҳозланмаган, тарқоқ ҳолда иш кўриб келмоқда, уларнинг ишини мувофиқлаштириб турадиган одам йўқ. Бу лабораториялар асосан тажрибалар ўтказиш билан банд, ваҳолонки, агрохимия хизмати одамларининг асосий вазифаси — ўғитлардан тўғри фойдаланилишига раҳбарлик қилиш ва шу иш устидан контроль ўрнатишдир.

Бизда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигида ҳамда область бошқармаларида, ишлаб чиқариш бошқармаларида, колхоз ва совхозларда малакали ва тажрибали агрохимиклар жуда оз. Кўпгина агрономларимизнинг малакаси паст. Улар ҳам химия фани муваффақиятларини, ўғитлардан фойдаланишнинг прогрессив усулларини яхши ўрганишмаяпти, шу сабабдан агрохимия хизматига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиша олмаяпти.

Ўғитлардан фойдаланиш ишидаги режасизлик — бир қанча ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг фаолиятидаги катта камчиликдир. Кўпгина хўжаликларимизда тупроқ-агротехника карталари йўқ, шунинг орқасида минерал ўғитларни солиш вақтида тупроқнинг ҳосилдорлиги, алмашлаб экиш, планлаштирилган ҳосил ҳамда бутун йил мобайнида ўғит солиш муддатлари ҳисобга олинмаяпти. Бундай яроқсиз система фойдаланилаётган ўғитларнинг самарасини пасайтириб юбормоқда, бинобарин, ҳосилдорликни оширишга ҳам халақит бермоқда.

Биз бу камчиликка қатъиян барҳам бермоғимиз керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бюроси Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда тегишли илмий тадқиқот муассасалари билан биргаликда республиканинг барча колхоз ва совхозларида тупроқ-агротехника карталари тузиш ва минерал ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш ҳақидаги конкрет таклифларни жуда қисқа муддат ичида ишлаб чиқиб, Марказий Комитет Президиумининг муҳокамасига ҳавола қилмоқлари керак. Шу билан бирга, қимматли оқсил — витаминли ем бўлган беда талқони ишлаб чиқаришни, шунингдек гидропон методи билан витаминли озуқалар етиштиришни кенг миқёсларда йўлга қўйиб юбориш зарур.

Химия — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги ҳамма тармоқларни кескин юксалтиришнинг қудратли воситасидир. Деҳқончилик ва чорвачиликда химиядан кенг фойдаланиш — пахта, дон, сабзавот, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга имкон беради. Бизнинг вазифамиз — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида химия муваффақиятларидан оқилона фойдаланиб, уни совет кишисига хизмат қилдиришдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН ХИМИЯСИ УЧУН

Ўзбекистон мамлакат химия индустриясининг энг йирик марказларидан бирига айланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин республика партия ташкилоти химия саноатининг ишлаб турган корхоналарида қувватларни кўпайтириш ва янги корхоналар қуриш, айниқса минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида анчагина ишлар қилди.

Чирчиқ электрохимия комбинати реконструкция қилинди, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларининг қувватлари кенгайтирилди. Олтинтопган кон-металлургия комбинатида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган катта цех, резина пойафзал ва резина-техника буюмлари ишлаб чиқарадиган Поп заводи, Янгийўл гидролиз заводи, Тошкент лак-бўёқ заводида янги цехлар ва бошқа бир қанча корхоналар ишга туширилди. Фарғонада азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод тез суръатлар билан қурилмоқда. Ўрта Осиёда энг катта Навоий химия комбинатини қуриш авж олдирилди.

Республика химия саноатига етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида 96,1 миллион сўм ёки ундан олдинги беш йилдагига қараганда уч баравардан зиёдроқ кўп капитал маблағ сарфланди. Саноатнинг бу тармоғига сарфланаётган капитал маблағлар 1963 йилда 1958 йилдагига қараганда 8,8 баравар кўпайтирилди.

Янги қувватлар ишга туширилганлиги, ишлаб турган корхоналар кенгайтирилганлиги ва интенсивлаштирилганлиги, илғор техника ва технология жорий қилинганлиги республикада химия маҳсулоти ишлаб чиқаришни шу йиллар ичида қариб 76 процент кўпайтиришга имкон берди, ваҳолонки, жамики саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш шу йиллар ичида 42 процент кўпайди. Шу давр ичида янги химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқариш: донадор аммиакли селитра, аммонийлаштирилган суперфосфат, азот цианамидли дефолиант, бир қанча катализаторлар, кремний-фторли натрий, селен, химиявий реактивлар, активланган кўмир, фурфурол ва унинг маҳсулларини ишлаб чиқариш, нитролигнен, карбоксиметил целлюлоза, озуқа ачитқилари, пластмасса буюмлар, резина-техника буюмлари ва бошқа шу кабиларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўзбекистон химия индустриясини ривожлантиришда шу етти йилликдаги асосий вазифа республика қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан, ўсимликларни химиявий ҳимоя қилишнинг воситаларини, дефолиантлар ва десикантларга бўлган эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлди. Шуни айтиш керакки, республикадаги химия корхоналарининг ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқдалар.

Етти йилликнинг беш йили мобайнида контроль рақамларда белгиланган топширикдан ташқари 118 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 1 ва 2- бетларда).

Республика химиклари, бинокорлари ва монтажчилари бу йил ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Химия корхоналаримизнинг коллективлари ўн бир ойлик программани ошириб бажардилар ва шу давр ичида пландан ташқари 78 минг тонна минерал ўғит ва кўп миқдорда олтин гугурт кислотаси ишлаб чиқардилар. Улар йил охиригача пландан ташқари камида 100 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарадилар ва бундай ўғитлар ишлаб чиқаришни бир ярим миллион тоннага етказадилар. Бинокорлар ва монтажчилар химия индустриясида бир қанча янги қувватларни муддатидан олдин ишга туширдилар.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Чирчиқ электрохимия комбинати ва Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари, Госсредазстройга қарашли 8- ва 93-қурилиш трестлари, СССР Госмонтажспецстройга қарашли монтаж ташкилотлари ва махсус ташкилотлар ҳамда лойиҳалаш институтлари химикларини, бинокорларини ва монтажчиларини катта меҳнат ғалабаси билан—республикада химия саноати қувватларини вужудга келтириш ва пландан ташқари анча кўп миқдорда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари билан қизғин табрикладилар.

Бу ғалаба, дейилади КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг табригида, улуғ Ватанимиз экономикасини ривожлантириш ва совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтириш учун меҳнаткашларнинг умумхалқ курашига Ўзбекистон химиклари, бинокорлари ва монтажчилари томонидан қўшилган катта ҳисса бўлди.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қароридан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари химия саноатининг қувватларини янада кўпайтирмоқ учун бундан буён ҳам зўр ғайрат билан курашадилар, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон химиклари, бинокорлари ва монтажчилари, республикамизнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советининг табригида ўз меҳнатларига берилган юксак баҳони ғоят хурсандчилик ва қонуний фахрланиш ҳислари билан кутиб олдилар. Бу юксак баҳо республика меҳнаткашларининг ижодий куч ва ғайратини тағин ҳам кучайтириб юборди. Улар партия ва Совет ҳукуматининг шу умидларига яраша, ҳеч шубҳасиз, шарафли ишлар қиладилар, коммунизм тантанаси йўлида янги шонли ишлар қилиб, Ватанимизни қувонтирадилар.

Етти йилликнинг қолган икки йилида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз. Республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш беш йил ичида 400 минг тоннадан зиёдроқ кўпайтирилган бўлса, 1964 — 1965 йилларда бир миллион тонна чамаси кўпайтирилади. 1965 йилда Ўзбекистон заводларида 3 миллион тоннага яқин, ёки 1958 йилдагига қараганда 2.5 баравар кўп минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Бухоронинг арзон табиий гази базасида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш айниқса тез суръатлар билан кўпайтирилади.

Бироқ, республикамизда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш талабдан анча кейинда қолмоқда. Мутахассисларнинг қилган ҳисобларига қараганда, бизга 1970 йилда 5 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит керак бўлади.

Химия саноатини жадал ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш учун Ўзбекистонда ғоят қулай шароитлар бор. Жуда бой табиий газ запаслари ишга туширилганлиги муносабати билан республикада химия индустриясини тез ўстириш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун айниқса кенг истиқбол очилди.

Бухоро гази фақат Ўзбекистонга ва қўшни қардош республикаларгагина эмас, шу билан бирга индустриал Уралга ҳам энергия ва иссиқлик бераётганлиги билан фахрланамиз. Жуда катта Бухоро — Урал газ қувури — халқ шижоатини кўрсатувчи трасса, дўстлик трассаси, халқлар қардошлиги трассаси, халқлар қалбини бирлаштирувчи трасса бўлди.

Лекин табиий газ фақат арзон ва ғоят самарали ёқилғигина эмас. Газ жуда яхши химиявий хом ашё ҳамдир. Республикада табиий газнинг аниқланган запаслари ҳозирги вақтда қарийб 640 миллиард кубометр ҳисобланади, перспектив запаслар эса уч ярим триллион кубометрдан ортиқ ҳисобланади. Республикамизда нефть, ош тузи, калий ва магний тузлари, оҳак тошлар, рангли металларнинг сульфид рудалари, олтингугурт ва бошқа химиявий хом ашёларнинг ҳам катта-катта запаслари топилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси республиканинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларини яқин йиллар ичида тўла кондириш учунгина эмас, шу билан бирга улкан пахта республикаси бўлган Ўзбекистоннинг улкан химия республикасига айланиши учун ҳам шарт-шароит яратиб беради.

Табиий газ химия саноатида жуда катта иқтисодий самара беради. Буни Чирчиқ электрохимия комбинати мисолида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу корхона 1961 йилда табиий газга қўчирилганлиги натижасида бир тонна аммиакнинг таннархи 82 сўмдан 42 сўмга тушадиган бўлди, аммиакли селитранинг ҳар бир тоннаси эса 43 сўмдан 35 сўмга тушадиган бўлди. Жами бир йил ичида бир неча миллион сўм маблағ тежалди. Комбинат 450 минг тонна кўмир ва металлургия коксини ишлатишдан қутулди, бу кўмир ва коксни ташиб келиш учун 22 мингтадан кўпроқ темир йўл вагони керак бўлар эди. Аммиак ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги 20 процент ошди. Табиий газ химия саноатини бутунлай ўзгартириб юборган, бу саноат замонавий ускуналар билан таъминланаётган, химикларнинг техника маданияти анча ошган ҳозирги вақтда бизнинг химикларимиз ҳам ўғитлар ишлаб чиқаришни, ҳам полимерлар ишлаб чиқаришни ўзларига шиор қилиб олишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми республикада бой ҳом ашё ресурслари борлигини, эҳтиёжларимизни ва қурилиш ташкилотларининг имкониятларини назарда тутиб, химия саноатини ривожлантиришнинг якин етти йилга мўлжалланган қуйидаги программасини пленум муҳокамасига киритади.

МИНЕРАЛ ЎҒИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ 1970 ЙИЛГАЧА ЎСТИРИШ

	1963 йил	1965 йил	1970 йил	1963 йилдагига нисбатан 1970 йилдаги ўсиш
Шартли бирликларда ҳисобланган минерал ўғитлар (минг тонна)	1414	2338	5716	4,13 баравар

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химик воситаларини ишлаб чиқариш 1970 йилга бориб 1963 йилдагига нисбатан 287 марта, пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқариш 10 марта, химия толалари ишлаб чиқариш 51,3 марта кўпаяди.

Химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ҳар йилги ўртача суръати 23,1 процентни ташкил қилади. Кўриб турибсизки, бу программа катта бўлса ҳам, лекин бемалол бажарса бўладиган реал программадир.

Хўш, бу программа қандай бажарилади?

Биринчи навбатда, ҳозир ишлаб турган заводларни реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўли билан шу заводларда минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган қувватлар имкон борича кўпайтирилади. Чунончи, Чирчиқ электрохимия комбинатида эскирган ускуналарнинг бир қисмини янгилари билан алмаштириш ҳисобига азотли ўғитлар ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан уч баравардан зиёдроқ кўпайтирилади.

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводини ва Навоий химия комбинатини ҳам худди шу тарзда яхши самара берадиган қилиб кенгайтиришга қарор қилинди. Бу корхоналарда асосий ишлаб чиқариш цехларининг иккинчи навбати қурилади ва ишга туширилади. Бу эса кўмакчи корхоналар ва инженерлик иншоотлари қуришга маблағ сарфламай, ҳозирги вақтда республикада ишлаб чиқарилаётган жамики азотли ўғитларга тенг келадиган миқдордаги ўғитларни икки йил ичида қўшимча равишда ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Навоий химия комбинати газдан ана шундай комплекс фойдаланиш принципига асосланиб қурилмоқда. Комбинатнинг азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналарини чинакам унумдорлик фабрикаси деса бўлади. Бу корхоналар далаларга аммиакли селитрани кўп миқдорда ва тўхтовсиз бериб туради. Шу билан бир қаторда, комбинатда органик синтез ишлаб чиқаришини вужудга келтириш кўзда тутилади. Комбинат ацетилен ишлаб чиқаради, ацетилендан эса сирка кислотаси, ацетилцеллюлоза, нитрон толаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Табиий газдан комплекс фойдаланиш Ўзбекистондаги бутун химия саноатини ривожлантиришдаги асосий йўл бўлиб қолади. Бизнинг химикларимиз ҳам ўғитлар ишлаб чиқаришни, ҳам полимерлар ишлаб чиқаришни ўзларига шиор қилиб олишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми республикада бой ҳом ашё ресурслари борлигини, эҳтиёжларимизни ва қурилиш ташкилотларининг имкониятларини назарда тутиб, химия саноатини ривожлантиришнинг якин етти йилга мўлжалланган қуйидаги программасини пленум муҳокамасига киритади.

Етти йилликнинг қолган икки йилида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз. Республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш беш йил ичида 400 минг тоннадан зиёдроқ кўпайтирилган бўлса, 1964 — 1965 йилларда бир миллион тонна чамаси кўпайтирилади. 1965 йилда Ўзбекистон заводларида 3 миллион тоннага яқин, ёки 1958 йилдагига қараганда 2.5 баравар кўп минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Бухоронинг арзон табиий гази базасида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш айниқса тез суръатлар билан кўпайтирилади.

Бироқ, республикамизда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш талабдан анча кейинда қолмоқда. Мутахассисларнинг қилган ҳисобларига қараганда, бизга 1970 йилда 5 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит керак бўлади.

Химия саноатини жадал ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш учун Ўзбекистонда ғоят қулай шароитлар бор. Жуда бой табиий газ запаслари ишга туширилганлиги муносабати билан республикада химия индустриясини тез ўстириш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун айниқса кенг истиқбол очилди.

Бухоро гази фақат Ўзбекистонга ва қўшни қардош республикаларгагина эмас, шу билан бирга индустриал Уралга ҳам энергия ва иссиқлик бераётганлиги билан фахрланамиз. Жуда катта Бухоро — Урал газ қувури — халқ шижоатини кўрсатувчи трасса, дўстлик трассаси, халқлар қардошлиги трассаси, халқлар қалбини бирлаштирувчи трасса бўлди.

Лекин табиий газ фақат арзон ва ғоят самарали ёқилғигина эмас. Газ жуда яхши химиявий хом ашё ҳамдир. Республикада табиий газнинг аниқланган запаслари ҳозирги вақтда қарийб 640 миллиард кубометр ҳисобланади, перспектив запаслар эса уч ярим триллион кубометрдан ортиқ ҳисобланади. Республикамизда нефть, ош тузи, калий ва магний тузлари, оҳак тошлар, рангли металларнинг сульфид рудалари, олтингугурт ва бошқа химиявий хом ашёларнинг ҳам катта-катта запаслари топилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси республиканинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларини яқин йиллар ичида тўла кондириш учунгина эмас, шу билан бирга улкан пахта республикаси бўлган Ўзбекистоннинг улкан химия республикасига айланиши учун ҳам шарт-шароит яратиб беради.

Табиий газ химия саноатида жуда катта иқтисодий самара беради. Буни Чирчиқ электрохимия комбинати мисолида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу корхона 1961 йилда табиий газга қўчирилганлиги натижасида бир тонна аммиакнинг таннархи 82 сўмдан 42 сўмга тушадиган бўлди, аммиакли селитранинг ҳар бир тоннаси эса 43 сўмдан 35 сўмга тушадиган бўлди. Жами бир йил ичида бир неча миллион сўм маблағ тежалди. Комбинат 450 минг тонна кўмир ва металлургия коксини ишлатишдан қутулди, бу кўмир ва коксни ташиб келиш учун 22 мингтадан кўпроқ темир йўл вагони керак бўлар эди. Аммиак ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги 20 процент ошди. Табиий газ химия саноатини бутунлай ўзгартириб юборган, бу саноат замонавий ускуналар билан таъминланаётган, химикларнинг техника маданияти анча ошган ҳозирги вақтда бизнинг химикларимиз ҳам ўғитлар ишлаб чиқаришни, ҳам полимерлар ишлаб чиқаришни ўзларига шиор қилиб олишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми республикада бой ҳом ашё ресурслари борлигини, эҳтиёжларимизни ва қурилиш ташкилотларининг имкониятларини назарда тутиб, химия саноатини ривожлантиришнинг якин етти йилга мўлжалланган қуйидаги программасини пленум муҳокамасига киритади.

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида магний хлорати ишлаб чиқарадиган цех қуриш, Навоий химия комбинатида эса цианамид ишлаб чиқарадиган цех қуриш мўлжалланади. Бу иккала цех 1964 йилда ишга туширилиш лозим.

Бу йил биз Фарғонадаги фуранли бирикмалар заводида эндотал ишлаб чиқарадиган тажриба-саноат цехини ишга туширишимиз керак эди. Лекин бу цех учун зарур ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш йўлида лозим бўлган чоралар кўрилмаганлиги сабабли цех ишга туширилмай қолди. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг химия саноати ва комплектация бошқармалари ҳамда республика Госплани бу заводга етишмаган ускуналарни 1964 йилнинг биринчи кварталида етказиб беришни таъминлайдиган чораларни тезлик билан кўришлари керак. Янги қувватларни ишга туширишсизликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар ишлаб чиқаришни республикамизда 1970 йилга қадар тахминан икки баравар кўпайтириш имкониятини беради. Бу ҳам пахта ҳосилдорлигини анча оширишни таъминлайди. Пахта етиштиришни кўпайтириш эса ўз навбатида химия саноатини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Химия билан пахта бир-бирига туғма қардошдир. Химия пахтани ўстиришга ёрдам беради. Пахта етиштиришни кўпайтириш эса химия индустриясини янада ривожлантирмоқ учун ва, аввало, сунъий ва синтетик толалар, синтетик смолалар ва пластмассалар ишлаб чиқариш сингари тармоқларни янада ривожлантирмоқ учун негиз бўла оладиган хом ашё ресурсларини кўпайтиради.

Пахта тозалаш саноатининг чиқитлари — пахта линти негизида Наманганда пахта целлюлозаси ишлаб чиқарадиган корхона қурилади. Бу корхона ацетилцеллюлоза ва ацетат ипак ишлаб чиқарадиган заводларнинг ҳаммасини хом ашё билан таъминлайдиган бўлади. Келгуси йилда Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида ва Навоий химия комбинатида ацетат ипак ишлаб чиқарадиган катта завод қурила бошлайди. Навоий химия комбинати етказиб берадиган ацетилцеллюлоза бу завод учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Комбинат составида нитрон толаси ишлаб чиқарадиган завод ҳам қурилмоқда. Бу корхонанинг қуввати 1970 йилда икки марта ортади.

Самарқанддаги азотли ўғитлар заводида ва Навоий химия комбинатида синтетик смолалар ишлаб чиқариши ташкил этиш мўлжалланмоқда. Синтетик смолалардан пластмасса буюмлар ишлаб чиқарадиган бир қанча йирик корхоналар қурилади.

Поп бирлашган заводида ва Тошкент резина-техника заводида резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари республикада резина-техника буюмлари ишлаб чиқарадиган яна бир катта завод қурилади. Шиналарни ремонт қиладиган заводлар 1965 йилда қурилиб бўлиши лозим.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йиллардаги беш йиллик плани лойиҳасини тузиш вақтида синтетик каучук, полиэтилен, синтетик смолалар ва капрон типидаги синтетик тола ишлаб чиқарувчи заводлар қуришни, шунингдек химия маҳсулотларини қайта ишлаб, автошиналар ва пластмассалар чиқарадиган, полиэтиленни қайта ишлайдиган, химиявий реактивлар, бром, кремний органик бирикмалар ва фторопластлар ишлаб чиқарадиган заводлар қуришни кўзда тутмоқ керак.

Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш учун бизда ҳозирча битта завод қуриш мўлжаллаб турилибди. Лекин биз шунинг ўзи асло кифоя қилмайди, деган фикрдамиз. Суғориш шоҳобчасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни тўлиқ қондирмоқ учун ана шундай заводлардан яна кам деганда иккита қуриш зарур.

Лак-бўёқ саноати халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Шунга қарамай биз уни ривожлантириш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаётирмиз.

Бу йил Тошкент лак-бўёқ заводида керакли ускуналар ўз вақтида олинмаганлиги сабабли силикат бўёқлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилмай қолди, ваҳолонки, бу бўёқлар ғоят чидамли бўлганлиги сабабли қурилишда жуда кўп ишлатилади. Маҳаллий саноатнинг бир қанча цехлари Халқ хўжалиги кенгашига топширилганидан кейин лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қувватлар кўпайиш ўрнига, балки ҳатто камайиб кетди.

Республика Госплани Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши билан бирга лак-бўёқлар ишлаб чиқаришни анча кенгайтирмоқ ва Тошкент лак-бўёқ заводини овқат мойи ўрнига синтетик хом ашё билан ишлайдиган қилиш учун шошилинч чоралар кўриши зарур.

Биз республикамизда қоғоз, картон ва ёғочдан ясаладиган бошқа буюмларни узоқ районлардан ташиб келтирмоқдамиз. Шундай қилиш тўғрими? Йўқ, тўғри эмас. Биздаги Амударё дельтасида қоғоз саноати учун жуда яхши хом ашё бўладиган қамиш ўсиб ётган беғоён тўқайлар бор-ку, ахир. Бир тонна целлюлоза ишлаб чиқармоқ учун 4 кубометр ёғоч сарф бўлади. 2,5 тонна қамишдан эса бир тонна целлюлоза олиш мумкин, яна бунинг устига бу целлюлоза икки баравардан ҳам зиёдроқ арзонга тушади. Шундай катта фойда олиниши кўриниб турганлигига қарамай, Қорақалпоғистон АССРда целлюлоза-картон комбинати қуриш ҳанузгача бошланганги йўқ. Комбинат қуришни яқин йиллар ичида бошлаб юбормоқ учун биз бу масалани тезроқ ҳал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Озуқабоп оқсил ачитқиларга бўлган эҳтиёж тўхтовсиз ошиб бормоқда, бундай ачитқилар ишлаб чиқариш учун ем-хашак ва ем-хашак ишлаб чиқариш учун ем-хашак ишлаб чиқариш учун ем-хашак ишлаб чиқариш учун

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Бошн 1, 2 ва 3-бетларда).

Бу суперфосфатлар, шу жумладан аммонийлашган суперфосфатлар таркибида карексиз моддалар кўп ва бу ўғитларни ташиш ўнғайсиз. Бу ўғитларни ташиш учун кўп миқдорда темир йўл вагони, автомобиль транспорти, ўғитларни юклаш ва бўшатиш учун кўп иш кучи талаб қилинади. Бу ўғитларни жойлаштириш учун катта-катта омборлар зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси устама харажатларни анча кўпайтириб юбормоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизга бошқа районлардан келтирилаётган калий тузлари ва хлорли калий ўғитларининг таркибида хлор жуда кўп ва бу ўғитлар тез ёпишиб қолмоқда. Тамаки, картошка, ток каби экинларни ўғитлаш учун калий ўғитларининг бошқа турлари, жумладан, калий сульфати керак. Лекин бундай ўғитлар бизда жуда кам. 2-3 та ва ундан кўпроқ тўйимли элементлари бўлган мураккаб ўғитлар бутунлай ишлаб чиқарилмаётир ва ишлатилмаётир. Олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари бу масалаларни ўйлаб кўришлари керак.

Республиканинг илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим тадқиқотлар устида кам ишламоқдалар. Айрим лабораторияларнинг ишлари кам натижа бермоқда. Чунончи, полимерлар химияси институтида бажарилган кўп миқдордаги ишларнинг жуда оз қисмигина жорий қилиш учун саноатга топширилди.

Баъзи институтларнинг планларига кўпинча техника-иқтисодий жиҳатдан етарли равишда асосланмаган ишлар киритилмоқда, айрим темаларга доир тадқиқотларни тугаллаш жуда чўзилиб кетмоқда. Фанлар академияси химия институтининг нефть химияси лабораториясида (раҳбари ўртоқ Г. Х. Ҳўжаев) бензолполикарбон кислоталарини ажратиш методларини ишлаб чиқишга доир тадқиқотлар ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери олиб борилаётган бўлса ҳам, лекин ҳеч бир натижа бергани йўқ. Бизнинг илмий муассасаларимиз гербицидлар, заҳарли химикатлар ва дефолиантлар яратиш масалалари билан эса кўп йиллардан бери шуғулланмоқдалар! Бироқ, улар қилаётган ишларнинг самаралари ҳали кўринганги йўқ. Улар яратиб берган препаратларнинг самараси кам, гербицидлар эса аслида яратиб берилгани йўқ.

Бу йил республиканинг бир қанча районларида бутифос деган янги органик препарат муваффақиятли синаб кўрилди. Маълумки, шу вақтгача ишлатилиб келган анорганик препаратлардан органик препаратлар шу билан фарқ қиладики, органик препаратлар толанинг етилишини тўхтатиб қўймайди, кам миқдорда ишлатилган ҳолда яхши таъсир қилади, бу препаратларни ҳаво намлигида ҳам ва қуруқлигида ҳам ишлатиб, яхши натижага эришиш мумкин. Органик препаратлар сепилган ғўзанинг барглари табиий ҳазонрезлик каби кўм-кўк бўлиб тўкилади ва пахта толасига унчалик ёпишиб қолмайди. Бироқ, бундай препаратлар кенг равишда қўлланилмаётир.

Ўзбекистоннинг химия олимлари ҳар йил тўкилиб турувчи ўнлаб янги препаратларни синтез қилмоқдалар. Лекин бу соҳада мутахассис биологлар ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари керак. Афсуски, улар янги дефолиантларни, гербицидларни ва заҳарли химикатларни синаш, танлаш ва практикага жорий қилиш билан ҳали ҳам кам шуғулланмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институти ҳамда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институтининг ўсимликларни ҳимоя қилиш институти бир-биридан ажралган ҳолда ишламоқда ва кўпинча бир хил ишни қилмоқда.

Биз шу институтлар ишини координациялашни яхшилашимиз, арзон ва яхши самара берадиган дефолиантлар, гербицидлар, ўстирадиган моддалар, заҳарли химикатлар ва ўсимликларни ҳимоя киладиган бошқа воситалар яратиш учун, айниқса ғўза бегона ўтларининг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида таъсир киладиган ва бизнинг қишлоқ хўжалигимизга жуда ҳам керак бўлган гербицидлар яратиш учун курашда шу институтларнинг куч ва ғайратини бирлаштиришимиз лозим.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ишлаётган механизациялаш ва электрдаштириш илмий тадқиқот институтининг, пахтачилик билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюросининг, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация институти механизация факультетининг, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ишловчи муассасалар ва корхоналарнинг ходимларидан бизнинг гинамиз катта. Улар ўғитлайдиган зарур машиналар, ўғитларни юклайдиган, бўшатадиган ва аралаштирадиган механизмлар, ўғитларни ерга солишга тайёрлаб берадиган ва чигит экишдан олдин ерни ўғитлайдиган механизмлар яратиб бериш соҳасида кам иш қилдилар. Бундай машиналар бизга жуда ҳам керак, бундай машиналарни мумкин қадар тезроқ яратиб бериш керак.

Агрохимия хизматини ташкил этишни яхшилашда, кадрларга ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларидан тўғри фойдаланишни ўргатишда илмий тадқиқот институтларимиз, тажриба станцияларимиз, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларимиз колхозларга, совхозларга, ишлаб чиқариш бошқармаларига ва бошқа қишлоқ хўжалик органларига ҳали ҳам кам ёрдам бермоқдалар. Уларнинг бу йўлдаги фаолиятини бутун чоралар билан активлаштириш зарур.

Далаларни химиялаштириш вазифаларини ҳал қилишда қишлоқ хўжалик фанининг ролини оширишимиз керак. Олимларимиз ўсимликларни озиқлантириш назариясини ҳар томонлама ишлаб чиқишлари, минерал ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан қандай қилиб юксак даражада самарали фойдаланиш тўғрисида қишлоқ хўжалик ходимларига мукаммал маслаҳатлар беришлари лозим.

Ирригация соҳасида химиянинг аҳамияти катта. Сув хўжалиги қурилиши тез ривожланаётганлиги ва суғориш системаси янада такомиллаштирилаётганлиги илмий тадқиқот муассасалари олдига ва, аввало, сув проблемалари ва гидротехника институти ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация институти олдига катта талаблар қўймоқда. Сувнинг шимилишини камайтириш ва суғориладиган сувни кўпроқ фойда берадиган қилиш масалаларини ҳам чуқур ишлаб чиқиш керак. Суғоришнинг энг прогрессив методларини топиш, уни механизациялаш ва автоматлаштириш проблемасини ҳал этиш керак. Бунга фақат химия ёрдами билан эришиш мумкин.

Бизнинг институтларимиз афсуски бу соҳада ҳали ҳам кам ташаббус кўрсатмоқдалар. Полиэтилен қувурлар конструкциясини ишлаб чиқиш ва шу қувурлардан фойдаланиш методларини топиш соҳасида икки йилдан бери илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ишга давлатнинг анчагина маблағи сарф бўлди. Бироқ, шу вақтгача амалий натижа олингани йўқ.

Биз бундай тадқиқотларни кўпроқ самара берадиган қилишимиз лозим. Бунинг учун, биринчидан, қувурлар ясаш ва каналларни сувни шиммайдиган қилиш учун қандай материаллар ва моддалар ишлатилганида, нақадар кўп самара беришини тажриба тарикасида ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарур: иккинчидан, керакли материалларнинг намуналарини тажрибалар ўтказиш учун тайёрлаб берадиган тажриба заводи қуриш ва бу материалларни тезроқ синаб кўриб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш зарур.

Улкан химияни ривожлантиришда ва бутун халқ хўжалигини химиялаштиришда фаннинг ролини оширимиз учун, аввало, Фанлар академиясининг президиуми илмий тадқиқотларни планлаштиришни ташкил этишни яхшилаши, янги технология процессларини ишлаб чиқиш ва саноатда ўзлаштириш муддатларини кескин равишда кискартириши зарур. Химия институтларнинг, олий ўқув юртларидаги кафедраларнинг, проблема лабораторияларнинг ва саноат корхоналардаги лабораторияларнинг ишларини тағин ҳам аниқроқ координация қилиш, фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилдириш керак. Ўзбекистондаги химия олимларининг куч ва ғайратини химия муваффақиятларини республика қишлоқ хўжалигига жорий қилишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал қилишга қаратиш зарур.

Илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш давлат планининг бажарилиши устидан ҳозирча тузук контроллик қилмаётир. Бу комитет қишлоқ хўжалигини химиялаштиришга таллуқли илмий тадқиқот ва тажриба ишларига алоҳида эътибор бериши керак.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши Химия саноати бошқармасининг конструкторлик-технология бюроси техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишда, химия корхоналаридаги иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришда катта роль ўйнаши лозим. Бу бошқарма конструкторлик-технология бюросининг ишига жиддий эътибор бериши ва унинг тажриба-ишлаб чиқариш базасини тезроқ яратиб бериши керак.

«Кичик химия», яъни оз миқдорда керак бўладиган жуда кўп хилма-хил моддалар — реактивлар ва препаратлар, ниҳоят даражада соф моддалар улкан химияни ривожлантиришда катта роль ўйнашини, шундай моддалар бўлмаса, ҳеч бир илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин эмаслигини Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида кўрсатиб ўтди.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, Фанлар академияси илмий тадқиқот ташкилотларининг ва лабораторияларнинг реактивларга бўлган эҳтиёжини тўла равишда қондиришни назарда тутиб, Ўзбекистон корхоналарида реактивлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларини ўйлаб кўришлари керак. Саноат корхоналарининг лабораторияларини тадқиқот ишларини ўтказишга ва тажрибаларни юксак илмий даражада ўтказишга имкон берадиган замонавий асбоблар ва ускуналар билан таъминлаш учун зарур чораларни кўриш лозим.

Химия-фармацевтика препаратлари ишлаб чиқарувчи корхоналар «кичик химия» корхоналари орасида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг олимлари — химия фанлари доктори С. Ю. Юнусов ва Н. К. Абубакиров ўртоқлар маҳаллий ўсимликлардан жуда яхши янги дорилар тайёрлаш усулини топдилар, бу дорилар медицинада фойдаланиш учун тавсия этилди. Мана шундай дорилар орасида, аввало, галантамин, олиторизид, строфантин фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетди ва кўп талаб қилинмоқда.

Бироқ, Тошкент химия-фармацевтика заводида етарли ишлаб чиқариш майдонлари йўқлиги ва янги объектлар қуриш жуда суст бораётганлиги сабабли шу дориларни ишлаб чиқариш секин ўзлаштирилмоқда. Солод илдизидан дори-дармонлар тайёрлаш ва витаминлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бизда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ўртоқлар. Биз бундай қимматли дориларни кўплаб ишлаб чиқаришни тўхтатиб туролмаймиз ва бунга ҳақимиз йўқ. Бу дориларни одамлар соғлиғига хизмат қилиши учун тезроқ етказиб беришимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми химия фанига кенг йўл очиб беришни, унинг ривожланишига халқит бераётган барча бюрократик тўсиқларни олиб ташлашни талаб қилди. Бу талабни амалга ошириш бизнинг бурчимиздир.

Фақат химия олимларигина эмас, шу билан бирга, физиклар, математиклари, биологлари, физиологлари ҳам улкан химияни ривожлантиришнинг илмий проблемаларини ишлаб чиқишда актив қатнаштириш керак. Табиийки, техника фанларининг ҳамма тармоқларидаги олимлар учун бу соҳада иш майдони жуда ҳам кенг. Бизнинг илмий ташкилотларимиз, барча фан ходимлари шуни яхши билишлари керакки, химия фан ва ишлаб чиқаришнинг бутун экономикани ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир ўтказадиган энг революционлаштирувчи тармоғидир. Бизнинг барча илмий кучларимиз ўзларининг билимларини ва тажрибаларини химияни ривожлантириш соҳасида муносиб равишда қўлланишлари мумкин ва лозим.

Химия билимларини меҳнаткашлар орасида кенг пропаганда қилишни ташкил этишнинг аҳамияти ҳозир жуда катта. Дала меҳнаткашларида, чорвачилик ходимларида, саноат ва қурилишда ишлаб турган инженерлар, техниклар ва ишчиларда химияга астойдил қизиқиш туғдириш, уларга химия мўъжизаларини эгаллашни ўргатиш керак. Меҳнаткашлар оммаси химия нималар беришини яхши билиб олиши, химия йўли билан яратилган материалларнинг ҳоссаларини ва сифатларини билиб олиши, шу материаллардан фойдаланишни ўрганиб олиши керак. Шундагина биз химия очиб бераётган бой имкониятлардан тўла фойдалана оладиган бўламиз.

Ижодкор интеллигенциямиз химия билимларини пропаганда қилиш ишига катта ҳисса қўшиши лозим. «Сўз санъаткорларининг, кино, газета ва журнал ходимларининг бурчи шуки, деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, улар химиянинг бизга очиб бераётган жуда катта имкониятларини совет кишиларининг ниҳоят даражада кенг доираларига яққол кўрсатиб беришлари лозим».

Химияни жадал ривожлантириш учун кураш бутун партиянинг ишидир, умумхалқ ишидир. Барча партия, совет, хўжалик, жамоат ходимлари, илмий ва ижодий ташкилотларнинг ходимлари, барча коммунистлар ва комсомоллар; республиканинг барча меҳнаткашлари улкан химия учун курашда актив қатнашишлари лозим.

ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қўйган катта ва мураккаб вазифалар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига юксакроқ даражада раҳбарлик қилишни талаб этади. Партия, совет ва хўжалик органлари қайта ташкил қилинган, хўжалик қурилишининг конкрет участкаларида партия ташкилотларининг роли ва масъулияти оширилган ҳозирги пайтда бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг қулай шароитлар вужудга келди.

Ҳозир гап партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини янада юксак даражага кўтариш, бу ишларнинг чамбарчас бирлигига эришиш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, ижро устидан контролни кучайтириш устида бормоқда. Партия комитетлари ишлаб чиқариш масалалари билан конкрет ва бир мақсадни кўзлаб шуғулланишлари, бу масалаларни ишнинг кўзини билиб малакали ҳал этишлари зарур.

Кейинги вақтларда партия комитетларига кўпгина инженерлар, техниклар, экономистлар — ғайратли ва ташаббускор коммунистлар, қобилиятли ташкилотчилар ишга келди. Лекин энди бу ҳам етарли бўлмай қолди. Ҳозир партия аппаратида муайян область, шаҳар ёки район учун етакчи ва энг перспективали бўлган хўжалик тармоқларининг яхши билимдонлари ишлаши жуда муҳимдир.

Масалан, Фарғона областида бир қанча йирик химия корхоналари жойлашган бўлишига қарамасдан, саноат область комитети, Фарғона ва Қўқон шаҳар комитетлари ходимларининг орасида бирорта мутахассис химикнинг йўклигини нормал ҳол деб бўлмайди. Самарқандда ҳам худди шу манзарани кўрамиз.

Турмушдан орқада қолмайдиган, ишни моҳирлик билан ташкил киладиган, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва новаторлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий киладиган, техниканр жадал тараққий эттириш учун чинакам курашчи бўла оладиган мутахассис химикларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва жой-жойига тўғри қўйиш соҳасидаги ишларни такомиллаштириш — химия индустриясини янада юксалтиришнинг муҳим шартидир.

Бу соҳада бизда баъзи бир ишлар қилинмоқда. Жумладан, Тошкент политехника институтида химия ишлаб чиқаришини автоматлаштириш юзасидан инженер-механиклар ва мутахассислар тайёрлаш ташкил этилди. Бироқ шуни тан олиш керакки, бу ихтисосликлар бўйича етиштирилаётган кадрлар ҳали жуда кам ва ўсиб бораётган химия саноати талабларига жавоб бермайди. Бу йил, масалан, республика химия корхоналари учун 148 инженер талаб қилингани ҳолда фақат 75 инженер юборилди.

Ҳозирги вақтда химия корхоналаримиздаги инженер-техник лавозимларининг деярли 25 процентини практиклар эгаллаб турибди. Бизда агрохимиклар ҳам етарли эмас. Бундан буён эса саноат учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам малакали химик кадрларга бўлган талаб янада ошаверади. Биз химия саноати ва химия машинасозлиги учун оммавий, ихтисосдаги кадрларни, қишлоқ хўжалиги учун агрохимикларни кўпроқ тайёрлаб чиқаришимиз керак. Госплан, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Профессионал-техника таълими давлат комитети, халқ хўжалиги кенгаши, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги бу вазифаларни ҳал этиш билан жиддий шуғулланишлари зарур.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми мавжуд олий ва ўрта махсус ҳамда профессионал-техника ўқув юртларини кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда ўқиётган студентларни кўпайтириш, кечки ва сиртқи химия таълими шохобчаларини кенгайтириш, умумий таълим мактабидаги ўқувчиларда химияга меҳр туйғусини сингдириш зарурлигини кўрсатди. Биз бу кўрсатмага оғишмай амал қилишимиз керак.

Ҳозир энг муҳими шуки, бизнинг раҳбар кадрларимиз, айниқса қишлоқ партия, совет ва хўжалик актива химияни яхши билсин, химия ютуқларидан тўғри фойдалана олсин. Шунинг учун ҳам 1964 йил январь ойида ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарларини ва г, сўнгра эса ишлаб чиқариш бошқармалари бошлиқлари ва район ижроия комитетлари раисларининг республика семинарларини ўтказиш лозим. Бу семинарларда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини, агрохимия масалаларини, минерал ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан фойдаланишнинг прогрессив методларини батафсил ўргатиш керак бўлади.

Кадрлар тайёрлашни кенгайтириш билан бир қаторда, химия саноати корхоналарида ишчилар қўнимсизлигининг олдини олиш тадбирларини ҳам кўриш зарур. Бунга эса партия ва касаба союз ташкилотлари ишчилар ҳақида, уларнинг шароитини яхшилаш учун ҳамма имкониятлардан максимал фойдаланиш тўғрисида ғамхўрликни кучайтирган тақдирдагина эришиш мумкин.

Химия индустрияси корхоналари ва қурилишларининг партия ташкилотлари йирик ташкилотлардир. Бу партия ташкилотлари 100 дан 800 гача коммунистни бирлаштиради. Бундай шароитда улар ишлаб чиқаришга энг яқин турган цех партия ташкилотларининг ишини тўбдан яхшилаш асосидагина хўжалик вазифаларини ҳал этишда ўз жанговарлик қобилиятини ошира оладилар. Тажриба шуни кўрсатадики, партия комитетлари ва партия бюролари цех партия ташкилотларига чинакам раҳбарлик қилаётган ва улар орқали иш олиб бораётган жойларда бутун партиявий-сиёсий иш самарали олиб борилмоқда.

Фарғонадаги фуран бирикмалари заводининг партия ташкилоти бунга мисол бўла олади. Завод партия бюроси коммунистларнинг кучларини жой-жойига тўғри қўйди. Коммунистларнинг 70 проценти бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида машғулдир. Заводда цех партия ташкилотлари секретарларини ўргатишга ва уларнинг ролини оширишга катта эътибор берилмоқда, шу туфайли улар коллективнинг актив ташкилотчилари ва тарбиячиларидир.

Заводда социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Завод коллективи коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашмоқда. Уч цех ҳозироқ шу юксак номга сазовор бўлди. Мусобақанинг бориши ва якунлари ишчиларнинг йиғилишларида кенг муҳокама қилинади, кўрсаткич тахтада, деворий газеталарда ёритилиб туради. Илғорлар, ишлаб чиқариш новаторлари тажрибасини ёйиш учун кўпгина иш қилинмоқда. Бу эса яхши самаралар келтирмоқда. Завод йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари неча юз минг сўмлик маҳсулот берди.

Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи партия ташкилотининг тажрибаси кенг ёйишга лойиқдир. Бу тажрибадан барча саноат корхоналаридаги партия ташкилотларини баҳраманд қилиш керак.

Корхоналардаги, колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи учун цех бошлағич партия ташкилотлари, партия группалари ҳар бир коммунистнинг масъулияти ва ролини ошириш — партия комитетларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу соҳада ҳамма ишимиз кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Бухоро областининг партия комитетлари сўнгги икки йил ичида шахсий ишларнинг 52 процентини бошлағич партия ташкилотларини четлаб қараб чиқдилар, 58 та ишни эса ҳатто коммунистларнинг иштирокисиз муҳокама қилдилар, буни нормал аҳвол, деб бўладими, ахир? Бу бошлағич партия ташкилотларининг ролини очиқданочиқ камситиш. КПСС Уставини қўпол равишда бузишдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми Бухоро область партия комитетининг бу масаладаги хатосини жиддий равишда тузатиб қўйишга мажбур бўлди.

Партия комитетлари хўжалик ва маданий қурилишга, ташкилотчилик ва тарбиявий ишга оид ҳамма масалаларни ҳал қилиш вақтида бошлағич партия ташкилотларига таянмоқлари, партия қарорларини айни бошлағич ташкилотлар орқали амалга оширмоқлари керак.

Партия кучларини хўжалик қурилишининг ҳал қилувчи соҳаларига тўғри жойлаштириб қўйиш ғоят муҳим аҳамиятга эга, токи коммунистларнинг мумкин қадар кўпроқ қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида бевосита иштирок қилсин, ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдаги ўзининг авангардлик ролини амалда ado этсин. Биз коммунистларни, барча кадрларимизни юксак уюшқоқлик, интизомлилик ва топширилган иш учун масъулият сезиш руҳида, партия ва халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашни ҳар тарафлама кучайтирмогимиз керак.

Химия индустрияси корхоналари ва қурилишларининг коллектив тилари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун партия ташкилотлари ишлаб чиқариш резерларини аниқлаш ва улардан фойдаланишга, меҳнаткашларнинг меҳнат ғайратини янада оширишга, мусобақага оммавий тус бериб, унинг ғоят таъсирчан бўлишига эътибор беришлари керак.

Комсомолларимизни, шонли ёшларимизни улкан химияни барпо этиш программасини амалга ошириш учун актив қурашга жалб қилиш айниқса муҳимдир. Ҳозир республика комсомоли кўпгина муҳим қурилишларга оталиқ қилиб, химия индустриясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бироқ партия йигитлар ва қизларга мурожаат қилиб, химия саноати қурилишига янада кўп куч-ғайрат сарфлашга даъват этмоқда. Шубҳа йўқки, республика комсомоли ва ёшлари бу юксак баҳога муносиб бўладилар, ёшларга хос шижоат билан улкан химияни яратишга киришадилар, ўз ораларидан химия индустрияси қурилишининг чинакам ташаббускорларини, минерал ўғитлардан ғоят самарали фойдаланишнинг моҳир усталарини етиштириб чиқарадилар.

Ҳозир қишлоқ партия ташкилотлари олдида катта вазифалар турибди. Партия ташкилотлари, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорида талаб қилинганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ишнинг кўзини билиб, янада зўр маҳорат билан раҳбарлик қилишлари, ўзларининг куч-ғайратларини қишлоқ хўжалиги учун химия очиб берадиган янги имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга сафарбар қилишлари лозим.

Машъалларимизнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш масалалари қишлоқ партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда мамлакатимизнинг донгдор кишилари, мўл ҳосил усталари Грачев, Кавун, Светличний ўртоқларнинг шаънига таҳсинлар ўқиди. Уларнинг тажрибаси кенг ёйишга муносибдир. Бизда ҳам ўз Грачевларимиз, Кавунларимиз, Светличнийларимиз бўлиши керак. Уларни фақат ўз вақтида пайқаб олиш, мўл ҳосил усталарини моҳирлик билан тарбиялаб етиштириш, уларга ёрдам ва мадад кўрсатиш, уларнинг илғор тажрибасидан барча қишлоқ меҳнаткашларини баҳраманд қилиш зарур.

Ҳозир барча партия ташкилотларимиз ҳар қачонгига қараганда ҳам актив, жанговар ҳаракат қилишлари, конкрет ва бир мақсадни кўзлаб ишлашлари керак. Улар ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида контролни кучайтиришлари, хўжасизлик ва исроф-гарчиликни қатъиян тан-томири билан тутатишлари лозим. Бунда доимо комсомол ва касаба союз ташкилотларига, партия-давлат контролига қўмаклашувчи комиссиялар ва постларга таяниб иш кўриш зарур.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг билимини ва маданий савиясини ошириш масалаларига алоҳида ғамхўрлик билан қарашлари керак. Бутун идеология ишини КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари ғалаб қилгандек ташкил этиш — биринчи даражали муҳим вазифадир.

Партия комитетлари ва бошлағич партия ташкилотлари ҳозир меҳнаткашлар ўртасида Никита Сергеевич Хрушчев докладини, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари ва барча материалларини ўрганиш ҳамда тушунтириш ишларини кенг авж олдириб юборишлари лозим. Бу ишни шундай ташкил этиш керакки, мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва халқ моддий фаровонлигини оширишнинг ажойиб перспективасини очиб берувчи Пленум ҳужжатларининг тарихий аҳамиятини ҳар бир меҳнаткаш чуқур тушуниб олсин, улкан химия учун буюк курашда ўз ўрнини белгилаб олсин. Бунинг учун идеология ишининг ҳамма формалари ва воситалари — пропаганда, агитация, матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъатдан фойдаланиш зарур.

Ўртоқлар! Биз янги йил, етти йилликнинг олтинчи йили бўсағасида турибмиз. Барча саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, министрлик ва бошқармалар коллективларининг вазифаси — ушбу хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаб, янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг юксак суръатларини таъминлашдан иборатдир. Бу йилнинг якунларини очиқ партия йиғилишларида батафсил муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни кескин танқид остига олиш ва кенг фикр олишув асосида ҳамма халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш керак.

Келгуси йил февраль ойида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлади. Бу Пленумда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади. Биз бу Пленумни муносиб кутиб олиш учун ҳозирданоқ унга тайёргарликни бошлаб юборишимиз зарур. Шу давр ичида ҳамма қишки дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак.

1964 йилда биз республикамиз ҳаётидаги катта ва муҳим воқеани — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган кунининг 40 йиллигини нишонлаймиз. Ана шу шонли кунни яхши кутиб олиш — бизнинг бурчимиздир. Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ҳамма планларимиз, ҳамма социалистик мажбуриятларимиз тўла ва ошириб бажарилиши, саноат, қурилиш, транспорт ва савдо корхоналарининг ҳаммаси, барча колхоз ва совхозлар контроль рақамларда белгиланган топшириқларга қараганда илдамроқ ишлашлари керак. Ҳозир республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақани ҳамма жойда кенг авж олдириб юбориш зарур.

* * *

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми муҳокама қилган масалаларнинг ҳал этилиши коммунистик қурилиш учун, мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун, совет халқига моддий ва маънавий неъматларнинг мўл-кўллигини вужудга келтириш учун ғоят катта, чинакам тарихий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини ҳаракат учун жанговар программа деб, ўзининг жонажон иши деб кутиб олди. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари бу йил пахтачиликни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда жуда катта ғалабани қўлга киритиб, ўз куч ва қобилиятларига чуқур ишонч ҳосил қилдилар. Партия ташкилотимиз, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳар қандай ишни бажаришга қурблари етади, улар жонажон ленинчи партия раҳбарлиги остида ҳар қандай жасорат кўрсатишга тайёрдирлар.

Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари муваффақиятли амалга оширилади. Совет Ўзбекистони коммунизм учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшади. (Давомли қарсаклар).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЭНЕРГЕТИКАМИЗ ГИГАНТИ

ТашГРЭС қурилишида кўпминг кишилик митинг

Электр станциянинг блок шчитида одатда фақат навбатчиларнигина учратасиз. Бироқ шу кеча-кундузда Тошкент ГРЭСининг блок шчити кишилар билан гавжум. Негаки, барча ўз меҳнатининг самарасини ўз кўзи билан кўриб-билишга ошиқади.

Илк меҳнат самарасини кўриб электр станцияни бунёд этишда қатнашган барча бинокорлар, монтажчилар ва мутахассислар беҳад қувонмоқдалар. Республика зарбдор комсомол қурилишига мамлакатимизнинг узоқ-яқинидан кўплаб кишилар келишди.

Бош ишлаб чиқариш корпусини бунёд этишда қатнашган М. Абдувалиев, В. Хаханов, Х. Ласкос ўртоқлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадалари, блокни навбатидан илгари монтажлаган Л. Свентицкий, А. Кручков бошлиқ бригадалар, турбогенераторни ўрнатишдек мураккаб ишни муваффақиятли уддалаган А. Козловский бошлиқ бригада монтажчилари, дурадгор М. Гудков, гишт терувчилар Г. Жалобин, М. Аъзамов, экскаваторчи Ф. Кузьмин, бульдозерчи О. Эрмакбоев ва бошқаларнинг номи тилларда достон.

Биринчи блокни муддатидан илгари ишга туширишда «ТашГРЭСстрой»дан ташқари ўнларча пудратчи қурилиш ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ҳозир қурувчилар коллективи дастлабки муваффақиятни зўр тантана билан нишонламоқда. Ўтган куни биринчи агрегатнинг муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши муносабати билан бинокорлар, монтажчилар, эксплуатациячиларни катта ғалаба билан муборакбод қилмоқ учун кўплаб меҳмонлар келишди. Туш пайтида кўпкишилик митинг бўлди.

Митингни Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. В. Каймаков қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўз «Узбекгидроэнергострой» бошқарувчиси ўртоқ П. Далалеевга берилади.

— Азамат бинокорларимиз, — дейди у, — биринчи довон ошдилар: дастлабки ютуқлар қўлга кирди. Электростанциянинг навбатдаги блокларини ҳам муддатидан олдин фойдаланишга топшириб, юзимизни нурдек ёруг қиламиз.

ГРЭС қурилишида «Сибэлектромонтаж» бошқармаси коллективининг ҳиссаси анча катта бўлди. Азаматлар мураккаб асбоб-ускуналар монтажини қўлдан сифатли чиқариб, зиммаларидаги масъулиятли вазифани шараф билан бажардилар. Слесарь-монтажчилар, пайвандчилар қудратли турбинани тўрт ярим ой ичида тўлатўкис ишга шай қилиб қўйдилар. Сўзга чиққан участка бошлиғи Г. Орлов шулар ҳақида, кечани-кундузга улаб, фидокорона тер тўккан ёр-дўстлари ҳақида фахр билан гапирди.

Коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари ўртоқ М. Абдувалиев минбарга чиқади. У станциянинг иккинчи блокини ҳам белгиланганидан эртароқ фойдаланишга топширамиз деб, тўпланганларни ишонтиради.

— Станция блок шчити аппаратлари, — дейди навбатчи инженер ўртоқ Қ. Абдураззоқов, — ГРЭС ишлаб чиқарган дастлабки ўн миллион киловатт-соат электр энергиясини ҳисоблаб қўйди.

Митингда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади ва Тошкент ГРЭСи бинокорлари коллективини дастлабки эришилган катта ғалаба билан қизғин табриклади.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. И. К